Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

29 август, сешанба 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 166 (1168)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор Сарагосани қабул қилди.

Ўзбекистон раҳбари ЮНЕСКО билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Биз ЮНЕСКОга фақат юбилей тантаналари ўтказадиган, ёдгорликларни қўриқлайдиган ташкилотгина деб қарамаймиз, — деди жумладан Ислом Каримов. — ЮНЕСКОни биз Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий хазинасини бор бўй-басти билан жаҳонга танищтиришда, ўз навбатида бизнинг жаҳон цивилизациясини тўлақонли кашф этишимизда ёрдам берадиган обрўли ташкилот деб биламиз.

Президент ҳурматли меҳмонга Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ибн Сино, Ал Фаробий каби буюк аждодларимиз мероси ва уни асраш, тарғиб ва ташвиқ этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Жаноб Федерико Майор ЮНЕСКО Ўзбекистон раҳбариятининг тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш борасидаги сиёсатини қўллаб-қувватлашини қайд этди. Буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишлаб Парижда ўтказилган тадбирлар мамлакатимизни жаҳон аҳлига танитиш йўлида муҳим қадам бўлганини таъкидлади. У ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг маънавиятини юксалтириш борасидаги ишларида, жумладан, Бухоро ва Хива шаҳарлари юбилейини ўтказишда кўмак беришини айтди.

Учрашувда, шунингдек, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, сайёрамизнинг алангали нуқталаридаги муаммоларни ҳал этишда маънавиятнинг ўрни ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида ЮНЕСКО қошидаги ташқи алоқалар бюросининг Осиё-Тинч уммони бўлими бошлиғи С. Окажима, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

Учрашувда, шунингдек Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳозир бўлди.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Шу куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Федерико Майор раҳбарлигидаги расмий делегация билан ЮНЕСКО ишлари бўйича республика миллий комиссия аъзоларининг учрашуви бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, миллий комиссия раиси С. Саидқосимов ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майорга «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фахрий профессори» унвони берилгани тўғрисидаги дипломни топширди.

Шу ерда Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатга С. Саидқосимов ва Ф. Майор имзо чекдилар. Меморандум Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКОнинг маориф, фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларида, шунингдек, Орол муаммосини бартараф этиш борасида ҳамкорлик қилишини кўзда тутади.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова, ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамда республикамизнинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, мамлакатимизнинг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Саидов иштирок этди.

(ЎзА).

ҚУТЛУҒ ТЎЙ ТЎЁНАСИ

Истиқлолнинг қутлуғ тўрт йиллик байрами арафасида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларнинг барчаси халқ оғирини енгил қилиш, унинг турмушини фаровонлаштириш мақсадида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 26 август куни мамлакатимиз пойтахтида фойдаланишга топширилаётган ана шундай иншоотлардан бир қанчасини кўздан кечирди. Пойтахтимиз кўркига-кўрк қўша бошлаган Мустақиллик боғи, Алишер Навоий номидаги миллий боғ ҳудудида барпо этилган кўл, Эски шаҳардаги Соғбон ва Қорасарой кўчаларида ўтказилган йўллар, соҳибқирон Амир Темур хиёбонидаги бунёдкорлик ишлари, Олой бозорида қурилган савдо маркази шулар жумласидандир.

СУРАТДА: иншоотларни кўздан кечириш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА)тасвирга олган..

Юртбошимиз халқимизга хизмат қила бошлайдиган ушбу иншоотларни кўздан кечирар экан, уларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди. Ислом Каримов Эски шаҳарда очилган кенг ва чароғон йўлларда қатнай бошлаган илк троллейбусга ўтириб, меҳнаткашларга яратилган қулайликлар билан танишди. Эски шаҳар аҳли Президентимизни мамнуният билан қаршилаб, бу қулайлик учун ҳукуматимизга миннатдорлик изҳор этди.

— Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий удумидир, — деди иншоотларни кўздан кечириш ниҳоясида Президент Ислом Каримов. — Бироқ, халқимизнинг турмушини янада гўзал қиладиган бундай савоб ишларни фақат байрамлар арафасида эмас, ҳар доим қилишга одатланишимиз керак. 1995 йил биз ўтиш даврида кечирган оғир йилларнинг сўнггиси, келаётган 1996 йил эса, юксалиш йили бўлишига ишонаман.

Иншоотларни кўздан кечириш чоғида Ўзбекистон Президентига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 август куни туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида ҳамда қирғиз халқининг буюк эпоси — «Манас»нинг 1000 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда иштирок этиш учун Бишкекка жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

МАЪНАВИЙ БИРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

БИШКЕК, 28 август. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 28 август куни туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлди. Пойтахтнинг «Манас» аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Президенти Аскар Акаев кутиб олди.

Аэропортда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари давлат мадҳиялари янгради.

Қирғизистон ҳукумат уйида Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев иштирокида туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг учинчи учрашуви бошланди.

Давлатлар раҳбарларининг Қирғизистон тупроғида туркий маданиятнинг улкан бойлиги — «Манас» эпосининг 1000 йиллиги тантаналари нишонланаётган пайтда йиғилгани бежиз эмас. Олий даражада ўтган аввалги учрашувларда туркий тилда сўзловчи давлатлар раҳбарлари тарихи, маданияти бир бўлган қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, маънавий уйғунликни янада мустаҳкамлаш борасида келишиб олган эдилар. Мазкур учрашувда эса, қардош давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий алоқаларни тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, учрашувда айни пайтда долзарб бўлиб турган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашилди.

Президент Ислом Каримов давлат раҳбарлари учрашуви чоғида сўзлаган нутқида иштирокчилар эътиборини сиёсий, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, халқларимизни янада яқинлаштириш, шунингдек Орол фожиасини бартараф этиш масалаларига қаратиб, бу борада барча кучларни бирлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

***

Шу куни президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президентлар, жаноби олийлари!

Муҳтарам Хонимлар ва жаноблар, дўстлар!

Аввало, мен қирғиз дўстларимизга меҳмондўстлик, шодҳуррамлик ва олий даражада навбатдаги учрашувни яхши ташкил қилганликлари учун Ўзбекистон делегацияси номидан самимий ташаккур изҳор этмоқчиман.

Истанбул учрашувидан кейин ўтган давр ичида содир бўлган воқеаларни таҳлил этаториб, мен аввало диққат-эътиборни одамларимизнинг психологияси ва руҳиятидаги чуқур ҳамда муқаррар ўзгаришларга, мустақилликнинг қисқа даври мобайнида уларнинг маънавий ва сиёсий ўзлигини англаши тарихан янгича шаклланганлигига қаратишни истардим. Бугун биз бу ерда, қирғизлар диёрида халқларимизнинг маънавий қайта тикланиши таг-заминли ва муқаррар тусда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиляпмиз.

Яқиндагина амалда барча туркийзабон давлатлар жаҳон маданияти ривожига ғоят катта ҳисса қўшган қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай таваллудини нишонладилар.

Қирғиз халқи маънавий маданиятининг ноёб ёдгорлиги — «Манас»нинг минг йиллигини шу кунларда бутун туркийзабон дунё тантана билан нишонламоқда. Бу буюк достон қирғизларнинг эрксеварлик руҳи улар яшаш учун кўп асрлар мобайнида олиб борган машаққатли кураш, чет эллик золимларга қарши курашда халқнинг бирлашуви тимсолидир. У узоқ ўтмиш манзараларини акс эттирибгина қолмай, қирғиз халқи ҳамда Марказий Осиёда яшовчи барча халқларнинг тинчлик, ҳамкорлик ва иноқлик тўғрисидаги эзгу орзу-умидларини ҳам ифодалайди.

Истанбул учрашувидан кейин ўтган ойлар ниҳоятда жўшқин ва воқеаларга бой бўлди. Бугун бизнинг учрашувимизда халқларимиз билан давлатларимизни бир хилда тўлқинлантираётган ва бизнинг келажагимиз уларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлган ҳаётимиздаги энг муҳим муаммолар юзасидан фикрлашиб олиш зарур деб ўйлайман.

Давлатларимиз олдида кенг имкониятлар очиляпти, айни вақтда эса бизнинг олдимизда ҳақиқий хавф-хатарлар турибди.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, янги мустақил туркийзабон давлатларда тизимли ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат жуда мушкул ва ғоят мураккаб жараён дунёда эзгулик билан ёвузлик, инсонпарварлик билан зўравонлик бир-бирига қаттиқ қарама-қарши турган шароитда, баъзан ҳудудларимиздан анча олисда туриб бошқарилаётган мамлакатлар ва сиёсий кучлар таъсир кўрсатаётган шароитда ўтяпти. Шу боисдан ҳам бизнинг учрашувларимиз очиқ тусда бўлиши лозим ва бунга менинг ишончим комил.

Мен яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, **халқларимизнинг тарихий, этник-маданий, маънавий яқинлигидан иборат қатъий фактни қайд этиш мана шу чуқур тарихий-маданий омилга сиёсий ёки айниқса ҳарбий-сиёсий тус бериш йўлидаги уринишларга айланиб кетмаслиги керак.** Бизнинг маънавий бирликка эришиш йўлидаги тарихий жараён асло бошқа давлатларнинг манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Туркийзабон давлатлар бошлиқларининг мунтазам учрашувларидан кузатилган асосий мақсадни биз қандай тасаввур қиламиз?

Бизнинг тасаввуримиз ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама инсонпарварлик, маънавий-маданият алоқаларини ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан, савдо ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда ўтказилган жаҳон ижтимоий анжуманида дунё миқёсида ҳам, минтақавий миқёсда ҳам кўтариб чиққан инсон омили масалаларини ҳал этиш учун куч-ғайратларни жипслаштиришдан иборатдир.

Маданиятларнинг бирлиги асос қилиб олинган учрашувларимизни мана шу нуқтаи назарда авайлаб асраш ва уларнинг нодирлигини таъкидлаш лозим.

Этник-маданий анъаналарни қўллаб-қувватлаш — олий даражадаги анжуманимиз мақсадидир. Учрашувларнинг асосий сабаби сифатида шу принципни сақлаб қолиш керак.

Бишкек декларациясига айни шундай ёндашув асос қилиб олиниши лозим деб ўйлайман.

Бу ерда, менинг назаримда, халқаро ташкилот сифатида ЭКОни қандай тасаввур этишимизни кўрсатиб ўтиш ҳам ўрнли бўлар эди. Бу ерда ҳозир бўлган барча туркийзабон давлатлар шу ташкилот фаолиятида амалий иштирок этмоқдалар. **Биз ЭКО нафақат савдо-иқтисодий ташкилот деб биламиз.** Бизнинг назаримизда, бу халқаро тузилмага сиёсий тус бериш йўлидаги уринишлар унинг мақомига ҳам, мақсадларига ҳам, ҳақиқий аҳамиятига ҳам мос келмайди.

ЭКОга аъзо бўлган мамлакатларга шундай кичик минтақавий тузилма кўпроқ тўғри келадики, бунда ҳарбий-сиёсий бирликларни тузмасдан, кўп томонлама қоидалар устун бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшанки, вужудга келаётган вазиятда тинчлик ва барқарорликка, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликка ҳам минтақамиз чегараларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар, бир-бирига қарши курашлар ва ҳатто урушлар давом этаётганлиги билан хавф-хатар туғилаётганлиги ҳақида гапирмасдан ўта олмаймиз.

Тожикистон ва Афғонистондаги аҳвол бизни ташвишлантирмай қола олмайди. Мамлакатларимиз раҳбарлари ана шу давлатлардаги можаро сўндирилишидан ва минтақада барқарорлик таъминланишидан доимо манфаатдор бўлишлари керак.

Қўшниларимизда вазият барқарорлашувидан биз манфаатдормиз.

Бундай барқарорлашув энг аввало Афғонистон ва Тожикистон халқларининг ўзлари учун зарур. Ўзимизнинг ислоҳот ва ўзгартиришларимизни осойишта вазиятда ўтказишимиз учун бу нарса бизга ҳам зарур.

Навбатдаги масала. Наркотик моддалар ва наркобизнес мустақил давлатларимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини эътиборга олиб, бу иллатга қарши курашда куч-ғайратларимизни бирлаштириш лозим деб ўйлайман. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишга қарши курашнинг кучайтирилишини кўзда тутувчи давлатлараро қўшма дастурни ишлаб чиқиш зарур.

Ер куррасининг кўпгина минтақалари каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёслардаги экологик офатларга дуч келяпти. Аввао, бу Орол денгизи фожеасига тааллуқлидир. Орол атрофидаги экологик вазият ўз кўламлари ва эҳтимол тутилган оқибатларига кўра минтақавий эмас, балки кўпроқ жаҳоншумул муаммодир. Шу муносабат билан биз БМТнинг Орол бўйича конференциясига катта умид боғлаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАНАС» ДОСТОНИ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ СЎЗИ

Муҳтарам Асқар Акаевич!

Ҳурматли меҳмонлар, азиз қирғиз оға-иниларим!

Аввало, барчангизни қардош қирғиз диёридаги улкан шодиёна — буюк «Манас» эпосининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан қизғин табриклайман!

Азиз дўстлар!

Дунёдаги жуда кўп халқлар ўзларининг буюк-буюк ўғлонларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай муқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса арзийди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу тўй нафақат қирғиз эли учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминида асрлар бўйи оғаини бўлиб яшаб келаётган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан ҳаққоний фахрланишга ҳаққимиз бор.

Қани айтинглар!

Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу тошларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай муқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрланса, ғурурланса арзийди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу тўй нафақат қирғиз эли учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминида асрлар бўйи оғаини бўлиб яшаб келаётган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан ҳаққоний фахрланишга ҳаққимиз бор.

Қани айтинглар!

Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу тошларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай муқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрланса, ғурурланса арзийди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу тўй нафақат қирғиз эли учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминида асрлар бўйи оғаини бўлиб яшаб келаётган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан ҳаққоний фахрланишга ҳаққимиз бор.

Қани айтинглар!

Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу тошларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай муқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрланса, ғурурланса арзийди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу тўй нафақат қирғиз эли учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминида асрлар бўйи оғаини бўлиб яшаб келаётган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан ҳаққоний фахрланишга ҳаққимиз бор.

Қани айтинглар!

Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган?

Унинг маслакдоши, достонда айтилганидек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган?

Биз, ўзбеклар, катта ғурур билан, фахр билан айтамизки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли қизи Хоникей бўлган.

Шундан кейин, азизларим, Ўзбек ва қирғизнинг қардошлигига яна қандай далил керак? Яна қандай исбот керак?

Азиз дўстлар!

Тўйнинг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у узоқларни яқин қилади, яқинларни эса тағин ҳам жипслаштириб қадрдон қилади.

Биз бугун жаҳон маданияти хазинасига «Манас»дек асар билан муносиб ҳисса қўшган қирғиз халқининг даҳоси ва бадиий тафаккури билан ҳақли равишда ифтихор қиламиз. Чунки қирғиз халқининг тарихи ва тақдири барча туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи ва тақдири билан муштарак боғлиқдир.

Бизнинг ота-боболаримиз: «Бозоримиз ҳам, мозоримиз ҳам бир» деб ўтганлар. Яхшиёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар, босқинчи ёвларга қарши бирга курашганлар, дўстлик бурчига ҳамиша содиқ қолганлар.

Туркистон халқларининг мумтоз миллий қаҳрамонлари — Гўрўғли, Алпомиш, Манас, Ойсулув, Авазхон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу образлар доим ўз атрофларига элу халқни йиғадилар, юртни обод, ҳаётни фаровон этадилар.

Қирғиз халқининг миллий қаҳрамони, донишманд Манас тарқоқ қирғиз қабилаларни, барча туркий элларни бирлаштиришга интилади, одамзодга доимо ватанпарварлик ва мардликдан сабоқ беради.

Қудратли ва салоҳиятли давлат барпо қилиш, уни тараққий эттириш — Манас ботир ҳаётининг бош мақсади ва мазмуни эди.

Бу олижаноб ғоя — ҳар доим бирга бўлиш, дўст бўлиш, ҳамдард, ҳамнафас бўлиш — биз учун, яқинда мустақилликка эришган Марказий Осиё халқлари учун бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифадир.

Азиз бовурлар!

«Манас» қирғизнинг азалий ва абадий қомусидир, деб айтсак асло муболаға бўлмайди.

Юз йиллар оша ўз ота-боболарининг қутлуғ меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган, қардошжондош қирғиз дўстларимизнинг бу борадаги ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Шунинг учун ҳам бу достонни яратган ва унга асрлар давомида сайқал бериб келган қирғиз халқининг бадиий заковатига, ноёб истеъдодли манасчи оқинларга ўз эҳтиромимизни, ҳурматимизни изҳор этиш — бизнинг бурчимиздир.

Яқинда Тошкентда бу салобатли достоннинг ўзбек тилидаги янги таржимаси босилиб чиқди. Биз бугун «Манас» гўзалликларидан халқимизни баҳраманд қилиш ишига катта ҳисса қўшган атоқли

(Давоми 2-бетда).

ГРУЗИЯ ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Грузия давлат раҳбари, Грузия Республикаси парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе шу йил 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюради.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 30 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва 30 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини миллий байрам — Мустақиллик куни билан табриклайман. Ўзбекистон тўрт йиллик суверен ҳаёти давомида ислоҳотлар йўлидан бориб, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ўзаги бўлган давлат тузумини мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли аъзоларидан бирига айланди.

Давлатларимизнинг халқлари манфаатига, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга қаратилган Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик мантиқий равишда ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этаман.

Қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, фаровон турмуш ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан:

Б. ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз жаноби олийларига Ўзбекистон Республикаси Миллий байрами муносабати билан катта мамнуният билан табрикларимни йўллайман. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверсин.

Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан Хитой халқи ва шахсан ўз номимдан мамлакатингиз халқига ва Сиз жаноби олийларга самимий табрикларимни йўллайман.

Ўзбекистон Республикаси Сиз жаноби олийларининг раҳбарлиги остида давлат суверенитети ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўлида янги-янги ютуқларга эришаверишини тилайман.

Мамлакатингиз гуллаб-яшнайверсин ва тобора қудратли бўлаверсин, халқингизга бахт-саодат ёр бўлсин.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

Цзян ЦЗЭМИНЬ,
Хитой Халқ Республикаси Раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ватанингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон халқига табрикларим ва энг самимий тилакларимни қабул этгайсиз.

БЕАТРИКС,
Нидерландия қироличаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўрт йиллиги муносабати билан Вьетнам халқи номидан ва ўз номимдан Сизга ва ўзбек халқига табрик ва самимий тилаклар йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий ўзаро фойдали дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Вьетнам ва Ўзбекистон халқлари манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб, ривожланаверсин.

Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, халқингизга бахт-саодат, Ўзбекистонга эса фаровонлик тилайман.

Ле Дик АНЬ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни, бутун қардош Ўзбекистон халқини миллий байрам — Мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Халқларимизни тарихий илдизлар, маданий анъаналар, ўзаро ҳурмат-эҳтиром бирлаштириб туради. Туркманистон, бизнинг халқимиз Ўзбекистонга ҳар доим энг яхши қўшни ва ҳамкор бўлиб қолади.

Сизга сиҳат-саломатлик ва масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Сапармурот НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

миз. Конференция шу йил сентябрь ойи охирларида Нукусда бўлиб ўтади ва ҳаммани унинг ишида фаол қатнашишга таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг энг аввало савдо-иқтисодий соҳадаги баҳамжиҳат бирлашиб ҳаракат қилиш муаммолари — учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборини қаратмоқчи бўлганим яна бир масаладир. Олий даражадаги **анжуманимиз ҳеч кимнинг олдига алоҳида сиёсий талаблар қўймайди.**

Баҳамжиҳат ҳаракатимиз руҳи мустақилликни, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик каби энг муҳим принциплар асосига қуриляпти.

Муҳтарам жаноб Президентлар!

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўлида кенг миқёсдаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатишга интилиш ўз ифодасини топган. Бунда биз ёндашувнинг асосий мезони — Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари эканлигини яширмаймиз. Аҳдлашувчи икки томоннинг миллий манфаатларини бир-бири билан боғлаш ҳамиша ниҳоятда қийин иш бўлган. Давлатлараро даражада эса шундай қилиш яна ҳам мураккабдир. Шу боисдан биз бу ишдаги қийинчиликларга ҳамда вақти-вақти билан етарлича кескин намоён бўлиб турадиган халқаро муаммоларга сабр-тоқат билан ва тушуниб муносабатда бўляпмиз. Ана шу муаммоларнинг кўпи Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришмасдан анча аввал юзага келган.

Биз шунга асосланамизки, ҳар қандай можароли вазият **ўзаро ёнбосишлар асосида тинч сиёсий мулоқот олиб бориш йўли билан** бартараф этилиши лозим. Тутилган йўлларнинг муросасизлиги, уларни янада кучайтириш, зўравонлик ва террор оддий кураш усулларига айланиб қолган, наркобизнес авж олаётган, қонунга хилоф равишда қурол-яроғ билан савдо қилинаётган шароитда айниқса хатарлидир.

Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик — Ўзбекистон давлати таяниб қурилаётган ва қад кўтариб турадиган учта устундир.

Шу билан бирга биз бир-бири билан боғлиқ ҳозирги дунёнинг бутун мураккаблиги ва бир хил эмаслигини тан оламиз ҳамда кўпчилик бўлиб кучғайрат сарфлаш муҳимлигини инкор этмаймиз. Шу муносабат билан мен мамлакатларимизнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳадаги мавжуд хилма-хилликни бартараф этиш ниҳоятда зарурлигини, «Ташаббуслар танлови» ва чексиз «Ташкилий плюрализм»нинг номатлублигини таъкидлашни истардим.

Бирлашиш «омили» Марказий Осиё давлатлари учун айниқса долзарбдир. Уни тан олиш Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон иштирокидаги минтақавий ҳамжамиятни ташкил этишга олиб келди. Бу давлатлар биргаликдаги кучғайратлари билан ўзларининг маърифатли истиқболини шакллантиришга, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ривожланиб боришга қарор қилдилар. Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигининг ташкил этилиши уларнинг бошқа қўшни давлатлардан алоҳида ажралиб чиқишини билдирмай, балки у бозор сари ўтиш шароитида уларнинг ҳатти-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилгандир.

Бирлашиш жараёнини авж олдирмай туриб, Марказий Осиёда тараққиётни ва халқларнинг муносиб турмушини таъминлаш мумкин эмаслигини англаб етиш ниҳоятда муҳимдир. Бирлашиш фақат иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳасинигина эмас, шу билан бирга маънавий, маданий, илмий соҳаларни ҳам қамраб олиши керак.

Муҳтарам жаноб давлат бошлиқлари!

«Манас» достонининг минг йиллиги байрам қилинаётган кунларда қирғиз диёрида ўтказилаётган учрашувимиз ўзининг амалдаги самараларини беришига, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бирлашиш жараёнларини янада авж олдиришга хизмат қилажагига астойдил ишонаман.

Қардош халқларимиз ўртасидаги муносабатларда Бишкек учрашувининг қардошлик, хайрихоҳлик руҳи ҳамиша ҳамроҳ бўлишига ва уларнинг тобора яқинлашувига ҳамда тинчлик, бахт-саодат ва равнақ йўлида тараққий этишига кўмаклашишига ишончим комил.

Пировардида шу учрашувнинг ташкилотчиларига, хусусан, Қирғизистон Президенти жаноб Аскар Акаевга Ўзбекистон делегацияси номидан яна бир карра миннатдорлик изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАНАС» ДОСТОНИ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

шоир-таржимонларимиз Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Адашбоевларнинг номларини ҳам ҳурмат билан эслашимиз жоиз.

«Манас»нинг 1000 йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистонда жуда кўп анжуманлар, тантаналар бўлиб ўтди.

Қадрли дўстлар!

Мен сўзимнинг бошида халқларимизнинг яқин қариндошлиги тўғрисида гапирдим.

Ўша гўзал аёл Хоникейнинг синглиси Арука Манаснинг тутинган иниси Алмамбетнинг хотини экан. Бухоро хонининг яна бир қизи эса Сари Аркадаги қозоқ хони Кўкча-ботирнинг аёли бўлган.

Бундай қариндошлик ўша замонларда Бухоро, Талас ва Сари Арка хонликлари орасида тинчлик, осойишталикка хизмат қилган экан.

Мен нима демоқчиман?

Мен шуни айтмоқчиманки, яратганнинг ўзи сиз билан бизга, юртимизга наслнасабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гўзал аёлларни — табиат мўъжизасини ҳам ато этган!

Шунинг учун, биродарлар, Оллоҳ-Таоло бизни, қирғизни, қозоқни, туркманни, тожикни, ўзбекни ва бошқа қардошларимизни ҳеч қачон қиз олиб, қиз беришдан, бордикелди қилишдан айирмасин.

Қадрдонларим!

Ўзбек билан қирғиз — бир туққан, бир туғишган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Қирғизистон ҳам қийинчиликларни мардоновар енгиб, ўз мустақиллигини мустаҳкамламоқда, жаҳон ичра ўзига муносиб мавқени эгалламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатлари тепасида чарақлаб турган қуёшдан баравар нур эмиб, кўкка қараб бўй чўзаётган азим чинордек бўлиб, бир-бири билан кенгашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб иш тутаётганлари, «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг кундан-кунга кенгайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда.

Бу қондошлик-қардошлик ҳаракатининг эзгу мевалар беришида Манас каби улуғ миллий қаҳрамонларимизнинг руҳи бизга беқиёс маънавий мадад бўлиши шубҳасиздир!

Муҳтарам қирғиз бовурларим, азизлар!

Манас ва Алпомиш — қиёматли дўст. Ўзбек ва қирғиз — қиёматли дўст. Шундай экан, ижозатларингиз билан мен ўзбек халқи номидан, Алпомиш номидан сиз, азизларнинг ҳаммангизни, қадрдон дўстим Аскар Акаевни чин дилдан қутламоқчиман!

Манаснинг тўйи — бутун Туркистоннинг тўйи. Манаснинг тўйида қадим диёримизнинг забардаст мутафаккирлари Рудакий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Маҳтумқули, Абай, Тўхтағул, Бердақ ва бошқа улуғ зотларнинг руҳлари шод бўлаётгани рост бўлсин!

Манасдай суянчи бўлган Қирғизистон гуллаб-яшнасин, равнақ топсин!

БЕКОБОДДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами арафасида Бекобод янада ўзгача тароват касб этди. Бу ерда дўстлик ва биродарлик шаҳрининг 50 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон металлургия комбинатининг муҳташам маданият саройига шаҳар жамоатчилиги вакиллари, меҳмонлар тўпланди. Шонли санага бағишланган тантанали йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков мамлакатимиз Президентининг шаҳар меҳнаткашларига йўллаган табригини ўқиб эшитирди ҳамда Президент Фармонига биноан кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун тақдирланган бир гуруҳ бекободликларга ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Ўзбекистоннинг йирик саноат марказларидан ҳисобланган, ўнлаб миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб меҳнат қилаётган Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия, Цемент комбинатлари довруғини ҳамма билади. Истиқлол байрами олдидан бу ерда «Экмосан» кичик нон заводи, иккита супермаркет дўкони, туманлараро диагностика маркази ва бошқа кўплаб объектлар ишга туширилди.

Тантанада вилоят ҳокими Э. Рўзиев қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси муҳокамасига киритилган барча масалалар қизғин муҳокама этилиб, якдиллик билан муайян қарорлар қабул қилинганлиги ҳаммамизнинг ёдимизда.

Депутатларимиз фақат бир масала юзасидан якдил фикрга кела олмаган эдилар. У ҳам бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини унинг Президент лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти масаласи бўлган эди. Шундан сўнг республика барча аҳолисининг ушбу масалага муносабатини чуқур ўрганиб чиқиш учун Олий Мажлис Раиси Э. Халилов раҳбарлигидаги нуфузли комиссия тузилганди. Комиссияга ушбу масалани муфассал ўрганиб чиқиш ҳамда келгуси сессияда депутатларга ўз хулосасини тақдим этиш топширилган эди.

Иккинчи сессиядан бери ўтган вақт давомида комиссия ушбу масалани ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб чиқди. Конституциянинг, қонунларнинг ушбу масалага тааллуқли қоидалари яна бир бор таҳлил этилди. Энг муҳими — мамлакат фуқаролари фикрини аниқлаш мақсадида масала барча доираларда кенг ва ошкора муҳокама қилинди. Республикамизнинг барча вилоятларидаги меҳнат жамоаларида ва аҳоли турар жойларида 22,5 мингдан ортиқ йиғилишлар ўтказилди. Айни бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис депутатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари ўз сайловчилари билан ушбу масалада фикр алмашдилар. Бу масала муҳокамасида республиканинг олти миллиондан ортиқ аҳолиси фаол қатнашди. Комиссияга тушган ўн минглаб оғзаки ва ёзма мурожаатлар ўрганилди. Ана шу тадбирларнинг барчаси кўп миллатли мамлакатимиз аҳолиси аксарият кўпчилигининг якдил фикрини аниқлаш имконини берди.

28 август куни Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тузилган комиссиянинг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия аъзолари Олий Мажлиснинг бўлажак учинчи сессиясида комиссия раиси Э. Халилов қилаётган маъруза матнини муҳокама этдилар ва маъқулладилар, мазкур масала юзасидан Комиссия Хулосасини ишлаб чиқдилар, Олий Мажлис Қарорининг тегишли лойиҳасини тайёрладилар. Бу лойиҳани парламент муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

***

Шу куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясини тайёрлаш ва уни ўтказиш бўйича тузилган депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раҳбарининг ўринбосари, Олий Мажлис котибиятининг бошлиғи, депутат О. Олимжонов олиб борди.

Тармоқ гуруҳларининг раҳбарлари Г. Йўлдошева, Ж. Ўтамов, А. Холмуродов амалга оширилаётган ишлар хусусида муфассал ахборот бердилар.

Йиғилишда шу нарса алоҳида қайд этилдики, сессияга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирлар асосан бажариб бўлинди. Учинчи сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга барвақт тарқатилди.

Сўзга чиққан депутатлар сессияга тайёргарлик кўриш давомида қонун лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар янада жонланганлигини таъкидладилар. Тушган таклифлар ва мулоҳазалар асосида қатор ҳужжатлар устида жиддий иш олиб борилди. Шу тариқа Ҳарбий доктрина лойиҳасига сезиларли ўзгаришлар ва қўшимчалар, Гражданлик кодексининг лойиҳасига аниқликлар киритилди. Бундан ташқари бир қатор халқаро шартномалар ва ҳукуматлараро битимларни ратификация қилиш тўғрисидаги Олий Мажлис қарорларининг лойиҳалари тайёрланди.

Парламент мажлисига ташриф буюрган депутатларни кутиб олиш ва сессия давомида нормал ишлашлари ва яшашлари билан боғлиқ бўлган бошқа барча тадбирлар бажариб бўлинди. Сессия ишини ёритувчи республика ва хорижий давлатлар оммавий-ахборот воситаларининг вакиллари аккредитациядан ўтказилди, сессия мажлислар залида ҳозир бўлган бошқа миллат вакиллари муҳокама мазмунини чуқурроқ тушуна олишлари учун синхрон таржима тизими йўлга қўйилди.

Комиссия аъзолари амалга ошириб бўлинган ишларга таҳлилий баҳо бериш билан бирга ўз ишларини сессия тугагунга қадар янада фаолроқ давом эттиражакларини билдирдилар.

***

28 август куни Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Ж. Ўтамов олиб борди.

Қўмита аъзолари сессия кун тартибига киритилган масалалар хусусида фикр алмашиш билан бирга «Усимликлар карантини тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан қилинадиган маъруза матнини муҳокама қилдилар ва уни маъқулладилар.

• Республика Вазирлар Маҳкамасида

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ КЎП

Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен бошқарди. Йиғилишга вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, компаниялар, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, қўшма корхоналарнинг раҳбарлари, республикада фаолият кўрсатаётган хорижий фирмаларнинг вакиллари таклиф этилган эди.

Йиғилишда Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун қонуний-ҳуқуқий асослар барпо этилгани, хорижий сармоядорлар учун имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилгани таъкидланди. Натижада хорижий шерикларнинг мамлакатимиз иқтисодиётида иштирок этишга қизиқиши кучайди, қўшма корхоналар иши фаоллашди. Бироқ, ҳали бор имкониятдан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Кескин ўтган муҳокама пайтида қўшимча хорижий сармояларни жалб қилиш муаммоларини ҳал қилиш масалалари кўриб чиқилди, хорижий сармоядорлар билан бундан буён ҳам ҳамкорлик қилишни кенгайтириш, амалдаги қўшма корхоналар фаолиятини янада самарадорроқ қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА).

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР ЗИЁРАТИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлган ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор 26-27 август кунлари Самарқанд, Урганч, Хива ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Самарқандда Федерико Майор Марказий Осиё Тадқиқотлари халқаро институтининг очилиш маросимида қатнашди.

— Мазкур институтнинг ташкил этилиши мамлакатингиз раҳбариятининг юртингиз тарихига, қадим ота-боболарингиз маданий меросига катта эътибор қаратаётганидан далолатдир, — деди Ф. Майор. — Институт Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганибгина қолмай, минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади деб ишонаман.

Меҳмон Самарқанд шаҳрида яна бир илмгоҳ — Чет тиллар институтининг очилишида ҳам иштирок этди. Институт ижодий жамоасига муваффақиятлар тилади.

27 август куни Хивадаги Нуруллабой меъморий мажмуасида Федерико Майорга «Хиванинг фахрий фуқароси» ёрлиғини топшириш маросими бўлиб ўтди. Федерико Майор хиваликлар кўрсатган ҳурмат-эҳтиром учун уларга чуқур миннатдорлик билдирди.

Бухоро зиёратида юксак меҳмон шаҳарнинг қадимий обидалари билан бир қаторда халқ ҳунармандчилиги намуналарини ҳам ҳайрат билан томоша қилди. Жаноб Ф. Майор ЮНЕСКО Бухоро ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 минг ва Орол денгизини қутқариш учун 60 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганини маълум қилди.

— Қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари инсоният цивилизациясининг бешикларидир. Бундан нафақат, юртингиз ёхуд Осиё, балки, жаҳон аҳли ҳам минг бора фахр этса арзийди, — деди журналистлар билан суҳбатда ЮНЕСКО раҳбари. — Мен раҳбарлик қилаётган нуфузли ташкилот Ўзбекистонга доимо катта эътибор билан қараб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Юксак мартабали меҳмонга юртимиз қадимий шаҳарларини зиёрат қилиш чоғида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш ҳамда давлат, хўжалик ва жамоатчилик тузилмаларининг қулай тадбиркорлик муҳити яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури маъқуллансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари бир ой муддатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

3. Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

4. «Ўздавтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб боришни таъминласинлар, республикада тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришни кенг тарғиб қилсинлар.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастурининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгаш раиси, Бош вазирнинг ўринбосари В. А. Чжен ва Бош вазирнинг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1995 йил 28 август.

ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ:

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистонга Малайзия Мэйбанк бошқарувининг раиси жаноб Дато Муҳаммад Басир бин Аҳмад бошчилигидаги делегация амалий ташриф буюрди.

28 август куни Бош вазир ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида делегация аъзолари билан учрашди. У меҳмонларни табриклаб, бу ташриф икки мамлакат ўртасидаги ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик соҳасида янги босқич бўлиб қолишини таъкидлади. Бу галги ташриф республикамизнинг катта байрами — мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганлиги алоҳида қайд этилди. Мустақилликни қўлга киритгач, суверен Ўзбекистон Республикамизнинг иқтисодий мустақилликка эришишида ёрдам бераётган йирик жаҳон молия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйди. Лизинг компаниясининг ташкил этилиши бу ҳамкорликни ривожлантириш дастурининг бир бўлаги ҳисобланади.

Малайзия делегациясининг бошлиғи ўзи раҳбарлик қилаётган банк Малайзиядаги энг йирик банклардан ҳисобланиши ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг йирик фирмалари билан ҳамкорлик қилишини айтди. Мэйбанк ўзбекистонлик шериклари билан қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, суғурта компанияларини ташкил этиш, қўшма корхоналар тузиш ҳамда савдосотиқ борасида ҳамкорлик қилишга тайёр.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

28 август куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида «Узбеклизинг Интернэшнл» халқаро компаниясини очиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиш маросими бўлди.

Битим Ўзбекистон Республикаси Миллий банки, Малайзиянинг Мэйбанки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро молия корпорациялари ўртасида имзоланди.

Мазкур янги компания республикада машинасозликни ривожлантириш, транспорт хизматини яхшилаш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий ҳамда қўшма корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

Маросим сўнгида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Ў. Султонов, Ўзбекистон Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов, Мэйбанк бошқаруви раиси Дато Муҳаммад Басир бин Аҳмад журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Учрашувда Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Муҳаммад Ризвон бин Муҳаммад Кушаирий иштирок этди.

(ЎзА).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

Халқаро алоқалар миллий уюшмасида 5-6 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида ўтадиган «Саноат ва технология сиёсатига оид халқаро конференция»га бағишланган матбуот анжумани бўлди.

Мазкур халқаро конференцияда Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари, янги технологиялар яратиш борасида изланиш олиб бораётган олимлар қатнашади. Улар икки кун давомида машинасозлик, самолётсозлик, электроника, кибернетика ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Анжуманда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш борасида ушбу ваколатхоналар олиб бораётган ишларга ҳам тўхтаб ўтилди.

(ЎзА).

• Давра суҳбати

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси учинчи сессияси олдидан

ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ, ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ

Уларнинг вазифалари, муаммолари, ўзаро ҳамкорлиги қандай кечаяпти, янги парламентимиз хусусиятлари нималардан иборат?

Суҳбатда блок ва фракция раҳбарлари шулар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишади.

Бургутали РАПИҒАЛИЕВ, ҳокимият вакиллик органлари блоки раҳбари, Наманган вилояти ҳокими.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби, партия фракцияси раҳбари.

Анвар ЖЎРАБОЕВ, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, партия фракцияси раҳбари.



Анвар ЙЎЛДОШЕВ, «Ватан тараққиёти» партияси раиси, партия фракцияси раҳбари.

МУХБИР: Кўппартиялилик асосида таркиб топган янги парламентнинг иш бошлаганига ҳам ҳадемай бир йил бўлади. Лекин орадан ҳали кўп вақт ўтмаган бўлсада, у ўз шакл-шамойилига, иш юритиш услубига эга бўлди. Шу ўринда Олий Мажлиснинг давлатимиз сиёсий тизимидаги ўрни қандай? У олдинги парламент — Олий Кенгашдан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?, — деган саволлар пайдо бўлади. Суҳбатимизни ана шундан бошласак.

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Аввалambor шуни фахр билан айтишимиз керакки, Ўзбекистонимизнинг энг демократик талабларга жавоб берадиган Конституцияси мавжуд. Унинг 76-моддасида эса Олий Мажлис Олий давлат вакиллик органи бўлиб, у қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши белгилаб қўйилган. Қонун устиворлигига эришиш ва таъсирчан ҳуқуқий механизмни вужудга келтириш Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаларидир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, келажаги буюк давлат яратаётган мамлакатимизнинг сиёсий тизимини Олий Мажлиссиз тасаввур қилиш қийин.

Бугунги Олий Мажлисни аввалги парламент билан таққослаганда қуйидаги фарқли жиҳатларини кўриш мумкин:

Биринчидан, Олий Кенгаш ўз фаолиятини бошлаган пайтда, собиқ иттифоқ тузумининг қонунлари кучда эди. Олий Мажлисимиз эса республикамиз истиқболга эришгач ва жаҳон мамлакатлари томонидан мустақил давлат сифатида тан олингач, сайланди.

Иккинчидан, Олий Мажлисимиз илк бор кўппартиявийлик асосида барпо бўлди. У доимий ишловчи депутатларига, фракция ва блокларига эга бўлган парламентдир.

А. ЖАЛОЛОВ: Жаҳон давлатчилиги тажрибаси ва тараққиётининг илғор, демократик анъаналарига таянган ҳолда яратилган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қайд этилган. Конституцияга мувофиқ Олий Мажлис давлатимизнинг қонун чиқарувчи олий вакиллик идораси ҳисобланади.

Жаҳон давлатчилиги тажрибасига кўра, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларининг бир-биридан ажратилиши жамиятда демократик тартиботларнинг жорий этилишида муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқарувининг президентлик тизимига асосланган мамлакатларда бу ҳолат ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бундай шароитда мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам ижроия ҳокимияти — ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Олий қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари бир-биридан мустақил, умумхалқ сайловлари асосида шаклланадилар. Бу ҳол уларнинг ўз фаолиятларининг амалга оширишдаги муайян мустақилликлари даражасини белгилайди.

Бизда давлат ҳокимиятчилигининг мана шундай демократик тамойилларга асосланган тизими вужудга келтирилди. Бундай амалиёт жамиятимизда юз бераётган бошқа туб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий жараёнлар билан уйғунлашиб, келажакда, албатта, ўз мевасини беради, деб умид қиламиз.

Олий Мажлиснинг олдинги парламент — Олий Кенгашдан фарқи масаласига келсак, Президентимиз биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузаларида бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтган эдилар. Бунга бирон-бир қўшимча қилишнинг ўзи амри маҳолдир. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан бутун мазмун моҳияти билан фарқ қилади. Унинг шаклланишидан тортиб, ўз фаолиятини ташкил этиш тартиблари ва иш усулларигача буни яққол исботлайди.»

Унда мазкур фарқнинг қуйидаги асосий кўринишларда мавжуд эканлигига ишора қилинган:

— депутатлар сайлови кўппартиялилик асосида ўтказилди;

— давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловларни ташкил этиш жараёнида номзодларга нисбатан юқоридан бериладиган синфий-сифатий ёндошувга (депутатликка номзодлар орасида қанча ишчи, деҳқон, зиёли, хотин-қизлар бўлишлигини олдиндан белгилаб қўйиш) бархам берилди;

—депутатлар муқобил номзодлар орасидан сайланди;

— кўппартиялилик тамойили Олий Мажлис фаолиятига фракциялар воситасида жорий этилди;

— депутатлар ўз сайловчилари олдида тегишли тартибда ҳисобот берадилар... Қисқа қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон шўролар давридаги Ўзбекистондан қандай фарқ қилса, Олий Мажлис ҳам Олий Кенгашдан айнан шу жиҳатлари билан ажралиб туриши таъкидланган.

А. ЖЎРАБОЕВ: — Мен шу ўринда Олий Мажлиснинг Олий Кенгашдан яна бир фарқи хусусида тўхталмоқчиман.

Олий Мажлис мустақил Ўзбекистоннинг биринчи парламенти ҳисобланади. Чунки олдинги парламент шўролар даврида сайланган эди. Абдулҳафиз ака боя яхши бир гапни айтдилар. Мустақил Ўзбекистон шўролар яъни тоталитар тузумдан нимаси билан фарқ қилса, Олий Мажлис ҳам Олий Кенгашдан ана шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу эса икки парламент ўртасидаги яна бир фарқ юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Олий Мажлисга сайловлар кўппартиялилик асосида ўтганлигидир. Мен бу ҳақда сайловлардан кейин «Халқ сўзи» газетасида катта бир мақола ёзган эдим. Унда ушбу сайловларнинг моҳияти ҳамда ўзига хослигини асослаб беришга ҳаракат қилганман.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Менимча, ушбу саволга учта йўналиш бўйича жавоб бериш мумкин. Биринчидан, Олий Мажлис олдинги парламентдан шаклан фарқ қилади. Иккинчи фарқи эса, унинг аввалгисидан моҳият ва мазмун жиҳатдан турличалигидир.

Маълумки, аввалги парламент: «Бутун ҳокимият шўроларга!» шиори остида ишларди. Бу эса мамлакатдаги барча масалаларнинг ҳал қилувчиси Олий Кенгаш деган маънони англатарди. Ҳозир мамлакатимизда мутлақо бошқача ҳолат: илгари барча ҳокимият тизгини Олий Кенгаш қўлида бўлган бўлса, энди унинг ўрнига учта ҳокимият шохобчаси пайдо бўлди. Учинчи фарқи — унинг таркибидадир. Чунки Олий Мажлисдаги депутатлар Олий Кенгашдан таркиби жиҳатдан ҳам кескин фарқ қилади. Бу албатта, Олий Мажлисга бўлган сайловларнинг кўппартиялилик асосида ўтганлиги билан боғлиқ. Чунки сайловчи номзодни танлаш ҳуқуқига эга бўлди: у депутатликка номзодлар орасидан ўзига ёққан кишини саралаб, танлаб олди. Мен Олий Мажлис олдинги парламент — Олий Кенгашдан ана шу уч жиҳати билан тубдан фарқ қилади, деб ўйлайман.

А. ЖЎРАБОЕВ: Мен ушбу саволга яна бир қўшимча қилмоқчиман. Ҳозирги парламент олдингисидан, аввало, сифат жиҳатдан фарқ қилади. Унга асосан, интеллектуал, қўлидан иш келадиган, онг ва савияси юксак одамлар сайланди. Олий Мажлиснинг аввалги парламентдан яна бир катта фарқи унинг таркибида блок ҳамда фракцияларнинг ташкил қилинганлигидир. Чунки Ўзбекистон парламенти тарихида бундай ҳодиса биринчи марта содир бўлмоқда. Шу боис уни ҳеч иккиланмасдан энг катта фарқ деб аташ мумкин.

Бундан ташқари Олий Мажлис қўмиталари таркиби ва сонида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Агар адашмасам, Олий Кенгаш қўмиталарининг сони ҳозиргисидан кўп эди.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Ҳа, 14 та эди.

А. ЖЎРАБОЕВ: Ҳозир эса 12 та. Ундан ташқари янги парламентда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳам бор. Қўмиталарнинг ички таркиби ҳам олдингисига нисбатан кескин ўзгарди.

А. ЖАЛОЛОВ: Мен шу ўринда бир аниқлик киритмоқчиман. Олий Кенгаш қандай бўлган бўлмасин, лекин мураккаб ҳамда масъулиятли йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон мустақиллигини ҳам айнан ана шу парламент — Олий Кенгаш эълон қилди. Шу боис ҳам Ислом Каримов Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида унинг фаолиятига катта баҳо берган эдилар. Шу билан бирга янги парламент билан аввалгиси ўртасидаги яна бир фарқни айтмоқчиман. Янги парламентда олдингисига нисбатан депутатларни халқ манфаатлари йўлида янада кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилишлари учун қонуний жиҳатдан катта имконият вужудга келди.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Сиз суҳбатимизга ўринли ва мақбул аниқлик киритдингиз. Биз аввалги парламентнинг хизматларини камситмаган ҳолда уларни ўзаро қиёслаб, бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатларинигина излаяпмиз, холос. Лекин Олий Кенгаш, биз истаймизми, йўқми, тоталитар тузумнинг бир механизми эди. Зеро, мен бекорга юқорида: «Бутун ҳокимият шўроларга!», деган шиорни мисол келтирмадим. Биз эса ҳозир ҳуқуқий-демократик жамият қуриш сари қадам ташлаяпмиз. Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий ғояси ва шакли ҳокимиятнинг учга бўлинишига асосланади. Шунинг учун ҳам Олий Кенгашни илгариги даражасида сақлаб бўлмасди. Шу боис унинг ҳозирги даврга жавоб берадиган янги шакли жорий этилди.

МУХБИР: Парламентдаги блок ҳамда фракциялар ўртасидаги рақобатни қандай тасаввур қилиш мумкин? Ва у, сизларнинг фикрингизча, қандай асосларга қурилмоғи лозим?

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл билан XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қураяпмиз. Уйимизнинг қандай бўлиши эса оддий фуқародан тортиб, давлат бошқаруви фаолиятигача боғлиқ. Мен партияларимизнинг Устав ва Дастурлари билан яхши танишман. Ундаги асосий мақсад — тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлиги орқали бозор иқтисодига асосланган, эркин, очиқ демократик давлат қуриш. Халқимизнинг манфаати ҳам айнан шундай. Шу боис блок ва фракциялар ўртасидаги рақобатда энг муҳим мезон — сиёсий ҳамжиҳатлик таркиб топган. У ўзаро фикр алмашиш, бир-бирини тўлдириш, қўллаб-қувватлаш принципларига асосланган. Мана шундай ўзаро ҳамкорлик рақобатдан кўра қўлни-қўлга бериб интилиш, деб баҳоланса, янада тўғрироқ бўларди.

А. ЖАЛОЛОВ: Маълумки блок ва фракциялар Олий Мажлиснинг таркибий тузилмасига кирмайди. Фракция сўзи қонунларимизда аниқроғи, Олий Мажлис тўғрисидаги қонунда фақат бир маротаба фракция вакили Олий Мажлис Кенгаши таркибига кириши ҳақидаги модда муносабати билан тилга олинган. Парламент таркибидаги блок ва фракциялар фаолияти тўғрисидаги масала бизнинг Конституциямиз, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳамда Олий Мажлис тўғрисидаги қонунларидан мантиқан келиб чиқади. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт эндиликда сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, сиёсий партиялар халқимизнинг турли табақа ва гуруҳларининг иродасини ифодалаб, депутатликка сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари, Олий Мажлисга сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилиши лозим. Демак «рақобат»нинг бўлиши мутлақо табиий ҳолдир. Ҳамма гап унинг қандай тарзда тушунилиши ва юз беришида. Биз, кўпинча, «мухолифат» ёки «фракция» сўзини тилга олишга ботинмаймиз. Ваҳоланки, улар «ўзгача нуқтаи назар», «бўлак» ёки «гуруҳ», деган маънодан бошқа нарсани англатмайди. Ҳа, фракция бу — гуруҳ. Аммо, у — гуруҳбозлик эмас. Баъзан хорижлик меҳмонлар биздан сизлар бир-бирларингиз билан мухолиф кучлармисизлар ёки «биродармисизлар», деб сўраб қолишади. Биродарларнинг наҳотки бир-биридан фарқи бўлмаса? Биродар ҳам бўлдик, дейлик лекин наҳотки, улар ўртасида ўзгача фикрлаш ёки ўзгача нуқтаи назар туғилмаса? Илмий даража учун диссертация ҳимоя қилувчи олимлар ўз оппонентларини ўзларига душман, деб эмас, балки маслаҳатчи, ҳатто устоз, деб ҳисоблашади-ку.

Ахир, биз — бир Ватан, бир заминнинг фарзандларимиз! Мақсадларимиз, ниятларимиз бирку. Биз фақат ушбу мақсадларга эришишнинг йўл ҳамда воситаларини турлича идрок қиламиз ва тегишли тарздаги саъй-ҳаракатларни амалга оширамиз.

Бундан ташқари, мамлакат ҳаётида шундай даврлар бўладики, унда орадаги фарқлар, ихтилофлар эмас, балки барчани жипслаштирувчи, «бир ёқадан бош чиқартирувчи» омиллар устиворлик касб этади.

Жамиятимиз учун бугунги кунда ижтимоий барқарорлик, тинчлик, осойишталик қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, Олий Мажлис фаолиятидаги сиёсий ҳамжиҳатлик ҳам ундан кам бўлмаган даражада аҳамиятлидир.

Республика раҳбарияти олиб бораётган ҳамда халқимиз манфаатларига тўла мос келадиган сиёсатнинг сиёсий партиялар томонидан қўллаб-қувватланишини мухолиф партиялар йўқ, деган маънода тушинмаслик керак. Уларнинг ҳар бири ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустақиллигининг ўзи мазкур партиялар мухолиф сиёсий ташкилотлар эканлигига етарли асос эмасми? Биз, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳамда кучлар, ахир 1994 йилнинг 25 декабридаги сайловларда ҳақиқий мухолифлар сифатида курашмадик-ми?

Шу ўринда бир муаммо. Сиёсий партия ҳамда уларнинг парламентдаги фракцияларининг давлат бошқарувидаги роли ва таъсирини кучайтириш учун, Президентимиз таъкидлаганларидек, тегишли қонунлар мажмуасини яратиш лозим. Акс ҳолда фракция ўз зиммасига юкланган вазифаларини бажариши қийин кўчади. Партия халқнинг, ижтимоий қатламнинг бир қисми бўлса, блок ва фракциялар эса Олий Мажлис ҳамда партиянинг муайян бўлагидир.

Фракция айтганимиздек Олий Мажлис тузилмасига кирмайди. Унинг фаолияти қонуний асосга қурилмас экан, у гарчи икки оёқда турса ҳам, оқсайверади. Бу ҳол парламент олдига фракцияларнинг ҳуқуқий мақомини тезроқ аниқлашни тақозо қилмоқда.

А. ЖЎРАБОЕВ: Очиқ гап, парламентда фракциялар иш қилаяптими ёки йўқ деган саволни тез-тез эшитиб қоламиз. Иш қилаяпти. Буни ҳеч иккиланмасдан айтоламиз. Бунга барча сиёсий партиялар фракцияси ҳамда блок фаолиятидан хоҳлаганча мисол келтириш мумкин. Узоққа бормай, ўзимизнинг партиядан бир-икки мисол. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Акмалжон Қосимов «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг вакили ҳисобланади. Фракциямизнинг яна учта аъзоси Олий Мажлис қўмитасига раислик қилаяпти. Лўнда қилиб айтганда, Олий Мажлиснинг барча қўмиталарида бизнинг фракциямиздан вакиллар бор. Улар парламентда биринчи навбатда, ўзи аъзо бўлган партия номидан иш кўради, албатта. Бу, биринчиси. Иккинчиси, сессияда кўриладиган барча масалалар сессиядан олдин фракция томонидан ўрганилади, тегишли таклиф-мулоҳазалар киритилади. Баъзи бировларнинг хориждан туриб, «фракциялар номигагина, йўқса, нега тишсиз?» деб аюҳаннос солишлари тирноқ остидан кир қидиришдан бошқа нарса эмас. Улар бизнинг осойишта яшашимиз, баҳамжиҳат бўлиб ишлашимизни эмас, ёқа йиртиб, жанжал қилишимизни исташади. Агар парламентда улар хоҳлагандек ёқа йиртиш бошланса, халқнинг ичида ҳам зиддият, бошбошдоқлик кучаймайдими? Нима деганда, биз халқнинг вакилларимиз. Ҳар бир депутат, шу жумладан фракция раҳбарини ҳам 50—55 мингга яқин сайловчи сайлаган. Биз ўзимизнинг ғоямиз, қарашларимизни бақириқ-чақириқларсиз, бировни ҳақорат қилмасдан, бировнинг шаънига тегмасдан ўтказа олишга эришишимиз керак. Мен бизда ана шундай вазият доимо барқарор бўлади, деб ишонаман. Хорижда, айниқса, Ғарбда кейинги пайтда биздаги демократия ҳақида гапириш одат тусига кириб қолди. Бизга демократиянинг тайёр андозаси керак эмас. Чунки баъзилар бизга бошқа миллат ва давлатга хос бўлган демократияни тўғридан-тўғри экспорт қилмоқчи бўлишади. Кулгили ҳол. У, ахир, бизнинг онгимиз, руҳиятимиз, характер хусусиятларимизга мутлақо ёт-ку? Бизда ҳеч қачон болалар оталарининг кўзига тик қаролмайди. Бундан, албатта, фракциялар қўлини кўксига қўйиб, қуллуқ қилиб туриши керак эканда деган хулосага келмаслик керак. Чунки ҳар бир фракциянинг муайян масалага нисбатан, албатта, ўз фикри, қараши, аниқ таклиф ва мулоҳазалари бўлиши керак. Ва у ана шу «гапи»ни парламентга қандай шаклда бўлмасин, етказиши лозим. Ва шундай бўлаяпти ҳам. Мен ХДП фракцияси раҳбарининг юқорида билдирган таклиф ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлайман. Дарҳақиқат, парламент таркибидаги блок ҳамда фракциялар фаолияти тўғрисида қўшимча қонун ва ҳужжатлар керак. Биз бу борада, ҳеч иккиланмасдан айтиш керак, дастлабки қадамни қўйдик: парламент номига ёзилган аризага мувофиқ блок ва фракциялар рўйхатга олинди. Ундан сўнг унинг раҳбарларини сайладик. Тегишли қонун-қоидаларга мувофиқ блок ҳамда фракция раҳбарлари Олий Мажлис Кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу жараёнларни, яна таъкидлайман, фракциялар фаолиятини шакллантириш йўлидаги биринчи босқич, биринчи қадам сифатида баҳоламоқ керак.

Блок ҳамда фракциялар тўғрисида янги ҳужжатлар қабул қилинаётганда мен депутатларни қуйидаги нарсаларга эътибор қаратишларини истардим: фракция нима, унинг раҳбари мақоми қандай. У Олий Мажлис қўмитасининг раҳбаридан нимаси билан фарқ қилади. Депутатлар блок ҳамда фракциялар таркибидан хоҳлаган пайтда чиқиб кетаоладими? Чиқишса, қандай тартиб ва қоидалар асосида. Ушбу масалалар депутатлардан атрофлича мулоҳаза юритишни тақоза қилади.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Юқорида Олий Мажлис таркибидаги блок ҳамда фракциялар орасида рақобат бўлиши керакми деган савол ўртага ташланди. Мен сўзимни ана шунга жавоб беришдан бошламоқчиман. Рақобат, албатта, бўлиши керак. Аммо, юқорида таъкидлаганимдек, тинчлик ва осойишталигимизга даҳл қилмайдиган, аксинча, мамлакатимиз тараққиёти ва ривожланишига улуш қўшадиган, ижобий маънодаги рақобат. Ҳар бир нарсанинг табиийки, иккинчи томони ҳам мавжуд. Яхши нарсанинг ёмон томони бўлгани каби ҳар қандай ёмон нарсанинг ҳам, албатта, яхши жиҳати бор. Агар рақобат бўлмаса, фикрлар бирбири билан баҳс-мунозарага киришмаса, ҳеч қачон объектив ҳақиқат юзага чиқмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, биз истаймизми, йўқми, жамиятнинг ичида турли хил фикрлар бўлади. Блок ҳамда фракция ўз ғояси ва қарашларига эга. Олий Мажлисга сайловлар пайтида партиялар халқ ичига ўзларининг ана шу фикрлари билан чиқишди. Парламент, аслида, жамиятдаги митингбозлик ҳамда ҳар хил бўлар-бўлмас гуруҳбозликларнинг олдини оладиган мини-жамиятдир. Ҳар қандай баҳс-мунозаралар ташқарида эмас, парламентда кечиши керак. Бундан ҳеч қачон қўрқмаслик даркор. Чунки парламентда баҳс-мунозаралар бўлиб, ягона фикр шаклланган тақдирда ҳам у бошқа бир томонга оғиб кетолмайди. Агар парламентда битта партия ёки фикр бўлганда эди ўша партия фақат ўзининг кутби томон «кетиб» қолган бўларди. Бизнинг парламентда эса битта эмас, бир нечта фракция фаолият кўрсатаяпти.

Яна бир нарсани очиқ тан олишимиз керак. Ҳақиқий фракция сифатида иш юритишимизга ҳали анча бор. Чунки тажриба кам: ҳали кўп ўқиб, кўп ўрганишимиз керак. Биз шу боис Олий Мажлисга блок ва фракция вакиллари бошқа мамлакатларда бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан танишиб қайтишса, деган таклифни киритаяпмиз.

МУХБИР: Бизда ҳозир профессионал парламент хусусида турли тушунчалар пайдо бўляпти. Сизларнинг ана шу ҳақдаги фикрларингизни ҳам билмоқчи эдик.

А. ЖАЛОЛОВ: Мен ҳамма соҳада, жумладан, парламентда ҳам профессионаллар, яъни ўз касбини яхши эгаллаган кишилар ишлаши тарафдориман. Лекин бундан парламентдаги маош олиб доимий ишловчилар профессионал, жамоатчилик асосида иш юритадиган депутатлар эса ҳаваскорлар экан-да, деган хулосага келмаслик керак. Зеро, ҳаётда бунинг мутлақо акси ҳам бўлиши мумкин.

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Профессионал парламент тушунчаси депутатлар ўз ваколатлари даврида депутатлик фаолиятидан бошқа ҳеч бир иш билан шуғулланмайдиган парламентга эга бўлган давлатларда шаклланади. Шу жиҳатдан келиб чиқадиган бўлсак, бизнинг парламент қандай? Ҳеч иккиланмай Олий Мажлисимизни ҳам Ўзбекистонгагина хос профессионал парламент, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Негаки, Олий Мажлис тузилмалари ва қўмиталаримизга доимий ишлаш учун таклиф этилганлар ўз касбларининг билимдонларидир. Уларда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий тажрибага, илмга эга бўлган ташаббускор одамлар тўпланишган. Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашдаги уларнинг фаолияти ривожланган мамлакатлардаги ҳеч бир парламентдан қолишмайди.

Депутатларимизнинг бошқа бир қисми эса ўз тегишли соҳалари ва ҳукумат идораларидаги вазифаларини изчил давом эттириб, Олий Мажлиснинг бевосита ҳаёт, халқ билан алоқасини таъминламоқдалар. Бу ўз навбатида давлат бошқарувида муҳим ўрин эгаллайди.

Менимча бизнинг республикамиз учун ҳозирги парламентимиз энг мақбул парламентдир.

А. ЖЎРАБОЕВ: Профессионал парламент бир кун ёки бир ойда ташкил топадиган жараён эмас. Бунинг учун вақт керак. Лекин биз айни пайтда ана шундай парламентга замин яратдик, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Агар том маънодаги профессионал парламент тузмоқчи бўлсак, парламент вакиллари, яъни биз — депутатлар парламентда бутунлай ишлашимиз керак. Ҳозир ўтиш даври, энг қийин давр. Депутатларнинг аксарият қисми эса ана шу даврнинг бошида турган одамлар. Мана, Бургутали акани мисол қилиб келтирайлик. У киши катта бир вилоятнинг раҳбари. Тасаввур қилинг, Рапиғалиев ҳозир Намангандаги барча ишларини ташлаб, парламентга келиб ўтирса, қандай бўлади? Лекин парламент вакилларининг бир қисми профессионализм мактабини ўтаяпти. Масалан, Анвар Йўлдошев. У фракция раҳбари бўлиши билан бирга Олий Мажлис қўмитаси раиси сифатида парламент сирларини ўрганаяпти. Зеро, Олий Мажлиснинг ҳозирги таркибини профессионал парламент томон қўйилган биринчи қадам, деб аташимиз мумкин. Биз аста-секин сайловдан сайловга профессионал парламентни шакллантириб борамиз. Агар икки оёқни бир этикка тиқиб олиб, йўқ, профессионал парламент бўлиши керак, ҳамма депутатлар доимий ишлаши лозим, қабилида йўл тутсак, ўтиш даврида бошлаган катта-катта ишларимиз бир чекада қолиб кетади. Шу ўринда: ундай бўлса, нимага парламентга ана шундай одамлар сайланган, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга эса фақат сайловчилар жавоб бера олади. Сайловчиларга бошқа номзодлар эмас, фақат масалан, Анвар Йўлдошев маъқул келганлиги учун улар Анваржонни танлаб олишган. Олдинги парламент зиммасидаги улкан ҳамда масъулиятли вазифаларни бажариб, эстафета таёқчасини бизга топширгани каби, биз ҳам эҳтимол ўша таёқчани профессионал парламентга топширармиз.

МУХБИР: Баъзи бир мамлакат парламентларида мажлислар икки-уч ойлаб давом этади. Бизда сессиялар 2-3 кун. Бу ўзига хосликми ё?...

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Икки-уч ойлаб ўтадиган сессияларга, шахсан мен танқид назари билан қарайман. Негаки, асоссиз тортишувлар, бир-бирига ҳурматсизлик, беҳуда тўполонлар, аҳиллик, бирдамлик, одоб ва ахлоққа асосланган шарқона урф-одатларимизга мутлақо зид нарса.

Иккинчидан, сессияларнинг ойлаб давом этиши ечимини кутаётган муаммоларни янада кескинлаштириб, гуруҳбозликни юзага чиқариши ва охир-оқибатда, жамиятни носоғлом вазиятга олиб келиши мумкин.

Ҳа, бизда кўп қонун ва қарорлар биринчи ўқишдаёқ, узоқ тортишувларсиз қабул қилинади. Бу чиндан ҳам ўзига хослик. Нима учун? Аввало, биз депутатлар кун тартибига киритилаётган масалалар бўйича тегишли ҳужжатларни регламентда белгиланган бир ой муддатдан ҳам анча олдин олиб, уни пухта ўрганиб чиқамиз. Таклиф, фикр-мулоҳазаларимизни аввалдан юборамиз. Қолаверса, блок ва фракциялар йиғилишларида, қўмиталарда ҳар томонлама фикр алмашинувдан сўнггина бир қарорга келиб, сессияга кирамиз.

Бу йўлимиз нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

А. ЖЎРАБОЕВ: Дарҳақиқат, жуда кўп хорижий нашрлар мухбирлари, сиёсатчилар сизларда нима учун сессия икки ёки уч кун ичида тугайди, деб савол беришади. Биз ҳозир катта синов палласида турибмиз. Биз учун бугунги ҳар бир соат, ҳар бир кун ғанимат. Чунки биз бугун янги иморат, янги жамият қураяпмиз. Агар янги жамият қуриш, яъни амалий иш ўрнига, нуқул гапбозлик билан шуғуллансак, 250 одам тўпланиб олиб, бир ёки икки ойлаб мажлис ўтказаверса, хўш, айтинг-чи, ишни ким қилади?

Бизда, менимча, сессиянинг узоқ давом этмаслигининг бошқа бир «сири» бор: сессияда кўрилажак ва муҳокама қилинадиган энг муҳим ҳужжатлар Котибият ва Қўмиталар томонидан бир ой ва ундан ҳам олдинроқ тайёрланиб, депутатларга етказилади. Улар ушбу ҳужжатларни ана шу муддат ичида обдон ўрганиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини тегишли қўмиталарга тақдим қиладилар. Лекин бундан баҳс-мунозара бўлмас экан-да деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки барча баҳс-мунозаралар блок ва фракцияларнинг сессиясидан аввалги йиғилишларида бўлиб ўтади. Бу билан, биринчидан, депутатнинг вақтини тежасак, иккинчидан қанча-дан-қанча маблағни бекорга сарф бўлишининг олдини олган бўламиз. Чунки битта депутатнинг ҳозирги шароитда Тошкентга келиб кетиши қанчага тушишини айтмасак ҳам кўпчилик яхши билади. Унинг овқати, ётоқ жойи, транспорт харажатлари...

А. ЙЎЛДОШЕВ: Парламентнинг ҳозирги иш услуби ўтиш даврига хос хусусиятдир. Мен Олий Мажлис қўмитаси раиси сифатида бу борада шуни айтишим мумкинки, сессия кун тартибига киритилган масалалар, дарҳақиқат, блок ва фракциялар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли қўмиталарда қайта-қайта ишланади, қиёмига етказилади.

А. ЖАЛОЛОВ: Дарҳақиқат, ахир, парламент фаолиятининг самарадорлиги унинг неча ой ёки неча кун мажлис ўтказганлиги билан белгиланмайди-ку?!

МУХБИР: Сизлар раҳбарлик қилаётган блок ҳамда фракциялар парламент фаолиятида қандай тартиб ва шароитда иштирок этаяпти?

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Ҳокимият вакиллик органлари блоки қонунларни тайёрлаш ва сессияларни ўтказишда фаол иштирок этмоқда. Юқорида айтиб ўтганимдек, самарали фаолият олиб боришимиз учун Олий Мажлис Кенгаши томонидан тегишли шароитлар яратиляпти. Қолаверса, бизнинг блокда бошқарув ва халқ хўжалигига бевосита тааллуқли бўлган депутатларнинг кўплиги ислоҳотларни янада жадаллаштириш борасида аниқ таклифлар билан чиқиш имконини беради. Блокимиз томонидан ана шундай бир қатор амалий тадбирлар олға сурилди ва мамнуният билан айтишим мумкинки, улар тегишли қонунлар лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилишда муҳим ўрин эгаллади.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, блок ва фракцияларнинг тузилгани депутат масъулиятини тубдан оширади. Шу боис бўлса керак, биз ўз фикримизни, таклифимизни ўтказишдан олдин кенг муҳокама этамиз. Керак бўлса, четдан йирик олимлар, мутахассисларни жалб қиламиз.

Қонунлар лойиҳасини муҳокамасида ҳам якдил фикрга келгандан кейингина блок номидан сессияда сўзга чиқамиз.

А. ЖАЛОЛОВ: Бизнинг фракциямиз олдиндан ишлаб чиқилган аниқ иш режасига мувофиқ фаолият кўрсатмоқда. Ушбу иш режаси ҳар бир депутатдан парламент сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар устидан шахсан тер тўкиб ишлашни, ушбу масалалар бўйича партиянинг маҳаллий ҳамда Марказий Кенгаши билан маслаҳатлашишни, туғилган фикр-мулоҳазаларни Олий Мажлис Котибиятига ўз вақтида етказишни, сессия олдидан бўладиган фракция мажлисида унинг аъзолари учун умумий нуқтаи назарни ишлаб чиқишни ҳамда уни Олий Мажлис эътиборига ҳавола этишни тақозо қилади. Шу боис фракциямиз аъзолари Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ишида фаол иштирок этаяптилар. Улар парламентда ҳам ўзи вакил бўлган партия йўлини, ҳам давлат ва умумхалқ манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар.

МУХБИР: Депутат ўз партияси манфаатларинигина ҳимоя қилиши керакми ё?.. Умуман ким, у бугунги депутат?

А. ЖЎРАБОЕВ: Илгари депутат ҳақида гап кетдими, дарров унга бериладиган «наказ» ёдга тушарди. Чунки биз 74 йил депутатга фақат «наказ» бериб келдик. Депутат ойна синса, ойна ўрнатар, бирон жой ўпирилиб тушса, уни тузатарди. Депутатнинг асосий вазифаси — қонун яратиш эса иккинчи даражали масала ҳисобланарди. Янги парламент ана шу ақидага чек қўйди. Лекин бу депутат халқдан ажралиб қолиши керак, деган гап эмас. Сайловчи ўша депутатга нима учун овоз берган. У, табиийки, аввал депутатликка номзодларнинг дастурини ўрганиб чиққан, суҳбатлашган ва энг мақбулини танлаб, ўз муносабатини билдирган. Демак, депутат ўз фаолиятида биринчи навбатда ўз дастурига амал қилиши керак. У ана шундагина ўз сайловчисининг орзу ва армонларини рўёбга чиқарган бўлади. Депутатларимизнинг аксарияти, менимча ўз сайловчиларининг ташвиш ва қувончига шерик бўлиб келишяпти. Мен бу фикрни газетамизга келаётган хат-хабарларга таянган ҳолда айтаяпман. Зеро, буни вилоятларда амалга оширилаётган ишлардан ҳам билсак бўлади.

Кўп узоққа бормай, собиқ иттифоқ даврида депутатлар билан сайловчилар учрашуви қандай бўлганлигини эсга олайлик. Булунғурдаги 109-сайлов округидан доимо Вадим Кожевников деган ёзувчи сайланарди. У ўша округдан кетма-кет беш марта сайланди. Бу 25 йил деган гап. Лекин уни кўпчилик танимасди. Сайловчилар: «э-э, Москвада битта ёзувчи бор экан, шуни сайладик», деб юришарди. У эса йиллаб қорасини кўрсатмасди. Бизнинг қонунларимизда эса мутлақо аксинча: депутат ўз сайловчилари олдида масъул — ҳисобот бериб туриши керак.

Б. РАПИҒАЛИЕВ: Ҳар бир партия дастуридаги энг устивор йўналиш халқ манфаатларидир. Шундан келиб чиқиб, халқнинг давлат бошқарувидаги вакили ҳисобланган депутат халқ иродасини ифода этиб, унга хизмат қилиши керак.

Барча депутатларни, уларни қайси сиёсий кучга мансублигидан қатъий назар, бирлаштириб турадиган энг эзгу ва муқаддас умумий мақсад — мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамиятни бунёд этиш, чинакам бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдан иборатдир.

Бугунги депутат эса ана шундай масъулиятли юкни елкасига олиб, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи учун бел боғлаган ҳақиқий фидойидир.

А. ЙЎЛДОШЕВ: Собиқ иттифоқ даврида депутат зиммасига наказдан бошқа ҳеч нарса юклатилмасди. Депутат депутат бўла туриб, давлат миқёсидаги масалаларни ҳал қилиш, нари турсин, ҳатто унга аралашолмасди ҳам. Энди эса ундай эмас: депутат бир томондан сайловчиларнинг шахсий муаммоларини ҳал қилишга қўмаклашса, иккинчи томондан миллий валютамиз қадр қимматини ошириш, иқтисодни барқарорлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш каби умумдавлат миқёсидаги масалаларга ҳам аралашяпти. Депутат энди ҳам сайловчи, ҳам номзодини кўрсатган партия олдида масъулдир. У парламентда қонунлар қабул қилар экан, ҳар бир масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошмоғи лозим.

А. ЖАЛОЛОВ: Депутат, қонунга мувофиқ, аваламбор ўз сайловчилари ҳамда уни депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиёсий партиянинг вакили ҳисобланади.

Депутат, агар мен фақат қонунчилик билан шуғулланаман, сайловчиларнинг ташвишлари ҳамда мени сайлаган ҳудуднинг иқтисодий, ижтиомий аҳволи учун масъул эмасман деса, жиддий хато қилади.

Парламент доирасидаги ишлар депутатнинг асосий бурчи эканлиги ҳаммага маълум. Бироқ, одамлар фақат қонунлар билан яшамайдилар-ку.

Депутатлик накази амалиётидан воз кечилишини айримлар депутатлар энди сайловчиларнинг ташвишларига аралашмайдилар деб талқин қилмоқдалар. Бу хато фикр, албатта. Биз ўз сайловчиларимизнинг кундалик муаммоларини ечиш, оғирини енгил қилишга баҳоли қудрат ёрдам бермоқдамиз. Бизга бу масалада жойлардаги ҳокимликлар, партия кенгашлари мададкор бўлаяпти. Хулоса қилиб айтганда, бугунги депутат — ўз сайловчилари эҳтиёжларини ифода этувчи, ўз партияси манфаатларининг ҳимоячиси, уларнинг мамлакат парламентидаги «фавқулодда ва мухтор элчиси» ҳамда она-юртнинг содиқ, беминнат хизматкори бўлиши даркор.

МУХБИР: Биз юқорида таъкидлаганидек, ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари дадил қадам ташлаяпмиз. Унинг қанчалик пойдор ҳамда мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан парламент ва унинг таркибидаги депутатларни бирлаштирган блок ва фракцияларга боғлиқ. Уларнинг зиммасига ҳали жуда кўп вазифа ва имкониятлар юклатилган. Бунинг учун эса ягона мақсад йўлида баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш лозим.

Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»НИНГ НУФУЗИ ТОБОРА ОШЯПТИ

Йил давомида профессионал теннисчилар ўртасидаги турли хил халқаро турнирлар узлуксиз давом этади. Мамлакатимизда «Президент кубоги» халқаро теннис турнири давом этаётган айни кунларда АҚШда «Катта дубулға» сирасига кирувчи Америка очиқ чемпионати ўтказиляпти. Унда жаҳоннинг энг кучли теннисчилари, жумладан, ўтган йилги «Президент кубоги» турнири ғолиби америкалик Чак Адамс ҳам қатнашяпти. Нью-Йоркда ўтказилаётган бу турнирнинг (28.08.95 — 10.09.95) мукофот жамғармаси 4,1 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ўтган йили бу турнирда эндиликда жаҳоннинг биринчи ракеткаси соҳиби ҳисобланаётган америкалик Андре Агасси ғолиб чиққанди. «Президент кубоги» каби яна бир турнир 27 август куни Лонг Айленд шаҳрида якунланди. Ушбу теннис турнирининг мукофот жамғармаси 288750 Америка доллари миқдоридадир. Теннис мухлисларига яхши маълумки, бу турнирнинг ўтган йилгисида россиялик Евгений Кафельников ғолиб чиққанди. Бир қарашда Евгений Кафельниковга ўхшаб кетадиган ҳамюртимиз Дмитрий Томашевич айнан шу теннисчи билан бир пайтлар ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида битта жамоа шарафини ҳимоя қилган ва бирга машғулотларда қатнашганди. Бежизга ўтган йилги «Президент кубоги» қатнашчилари Дмитрийнинг ўйин услуби Кафельниковникига ўхшаб кетишини эътироф этишмаганди. Эндиликда Кафельников жаҳоннинг энг кучли ўн теннисчиларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, 27 август куни мукофот жамғармаси Лонг Айленд турнири каби 288750 АҚШ доллари бўлган Скенектеди шаҳрида ҳам профессионал теннисчилар турнири якунланди. Пойтахтимизда «Президент кубоги» мусобақалари ниҳоясига етиши билан, яъни 11 сентябрда Франциянинг Бордо шаҳрида, Руминиянинг пойтахти Бухарестда мукофот жамғармалари 375000 ва 525000 бўлган АТП сирасига кирувчи турнирлар бошланади. Бу турнирларда қатнашмай қолган профессионал теннисчиларни шу куни Колумбиянинг Богота шаҳри ўзига чорлайди. «Клуб Колумбия Опен» деб номланувчи ушбу турнирнинг мукофот жамғармаси 288750 АҚШ долларини ташкил этади. Умуман, олганда йил давомида теннис турнирлари орасида деярли узилиш бўлмайди. Ер юзининг қайсидир шаҳрида, албатта, профессионаллар ўртасида теннис турнирлари бўлиб туради.

Теннис турнирлари ичида энг нуфузлиси «Катта дубулға» сирасига кирувчи турнирлардир. Бундай турнирлар ҳар йили тўрт марта ўтказилади. Биринчиси ҳар йили январь ойида Мельбурнда ўтказилиб, у Австралия очиқ чемпионати деб юритилади. Турнирнинг мукофот жамғармаси 3,58 миллион Австралия долларига тенг. Иккинчиси Франция очиқ чемпионати ҳисобланади. У май ва июнь ойлари Парижда ўтказилади. Мукофот жамғармаси 4,297 миллион АҚШ долларига тенг. Учинчиси Уимблдон турнири (26.06 — 9.07) бўлиб, унинг мукофот жамғармаси 4,025 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бундай турнирлардан тўртинчиси шу кунларда давом этаётган АҚШ очиқ чемпионатидир.

Теннис турнирларининг иккинчи тоифасига АТП мусобақалари киради. Бу турнирларнинг мукофот жамғармаси 200 минг АҚШ долларидан деярли кам бўлмайди. Кейинги тоифани «Челенжер» турнирлари ташкил қилади.

Эндиликда жаҳон теннис оламида Тошкент шаҳри ҳам тилга олина бошланди. Осиё қитъасида Ўзбекистон теннисни ривожлантириш марказига айланмоқда. «Президент кубоги»нинг нуфузи эса йил сайин ошяпти. Унинг бу йилги мукофот жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этади. «Челенжер» тоифасига кирувчи «Президент кубоги» халқаро теннис турнирига республикамизнинг энг йирик корхона ва ташкилотлари билан бирга хорижий фирмалар ҳам ҳомийлик қиляпти. Булар — «Кредит-сервис», «БАТ», «Винклер», «Донован», «Стахал Хадмеер», «Агро плюс», «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо», «Интерпродакшен», «Ўзпроммашинлекс», «Ўзбектуризм», «Ўзлегпром», «ЮИТКО», «Ўзбекнефтгаз» каби фирма, компания, ассоциация ва корпорациялардир. Шунингдек, Америка банклари — «АИК», «Ю-Би-Си», «Ротшильд банк», «Манхеттен» ҳам «Президент кубоги» халқаро теннис турнирига ҳомийлик қилиш истагини билдиришди. Бизнинг Миллий банк ҳам турнирга ўзининг ҳиссасини қўшди. Ҳар доимгидек «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси турнир ташкилотчиларига катта ёрдам кўрсатаяпти. Ҳомийлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Зеро, ҳомийларсиз йирик турнирларни ер юзининг ҳеч бир шаҳрида уюштириш қийин. Тошкент теннис байрамининг юқори савияда уюштирилиши мақсадида «Люфтганза», «Кока-кола», «Эмборг», «Джевер», «Каленберг», СП «Ўзксерокс», «Камалак» фирмалари ўз хизматларини аямасликка қарор қилишган. «Президент кубоги» турнири доирасида катта маданий дастур — дискотекалар, концертлар, саёҳатлар уюштирилади. Аккредитациядан ўтган турли элчихона ходимлари, матбуот ходимлари ўртасида «Катта шляпа» турнири ўтказилиши режалаштирилган. Юздан ортиқ матбуот ходимлари, жумладан, хорижий журналистлар бевосита «Президент кубоги»ни ёритиш учун аккредитациядан ўтишди. Шунингдек, ўтган йилгидек турнир пайтида пойтахтимизда бизнес-симпозиум ўтказилади. Унда республикамиз ишбилармонлари ва Европа ҳамда Американинг бир қатор етакчи компанияларининг ишбилармонлари қатнашишади.

ЮЗДАН ЗИЁД ЖУРНАЛИСТ ҚАТНАШЯПТИ

26 августда пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис саройида «Президент кубоги» халқаро теннис турнири олдидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда юзга яқин матбуот ходими, жумладан хорижий журналистлар ҳам қатнашди. Матбуот конференциясини турнир бўйича матбуот маркази бошлиғи, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар ЖЎРАБОЕВ кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

«Президент кубоги» халқаро турнирининг ташкилотчиси Сассон Какшури, турнир директори Ян Фруман, АТП супервайзери Норберт Пайк, Ўзбекистон теннис федерацияси президенти, Республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, Республика жисмоний-тарбия ва спорт қўмитаси раиси Собир Рўзиев, мамлакатимиз терма жамоаси мураббийси Александр Метревели ва ташкилий қўмитанинг бошқа аъзолари турнирнинг аҳамияти, унинг халқаро майдондаги мавқеи, беллашувга таклиф қилинган профессионал теннисчилар мукофот жамғармаси ҳақида гапиришди ва журналистларни қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб қайтаришди.

Конференцияда турнирнинг мукофот жамғармаси 125000 АҚШ доллари миқдорида эканлиги қайд этилди.

Саралаш босқич беллашувлари 26-27 август кунлари бўлиб ўтди ва 32 қатнашчидан тўрт нафари асосий сетларга йўлланма олди. Жуфтлик баҳсларида эса асосий сет аъзолари 16 жуфтликни ташкил қилди. Жуфтлик баҳсларининг ғолиблари 7.750 доллар билан тақдирланишади.

Матбуот конференциясида бу йил июнь ойида Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ўтказилган, «Буюк ипак йўли» сателлит турнирларини энг яхши ёритган журналистларга мукофотлар берилди. Шунингдек, ўтган йилги «Президент кубоги» турнирини ёритишда жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ журналистларга республика ҳукумати номидан эсдалик совғалари берилди.

Турнир кундалиги: иккинчи кун

ТЕННИСЧИЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАРНИ БОШЛАШДИ

Теннис турнирининг иккинчи куни асосий сет ўйинларига қуръа ташланди. Турнирнинг асосий сетларидан бу йил бир йўла беш нафар теннисчимиз ўрин олди. АТП ташрифида 193 поғонани эгаллаб турган теннисчимиз Олег Огородов тўғридан-тўғри рейтинг очкоси бўйича асосий сетдан ўрин олган бўлса, Дмитрий Томошевич, Темур Ғаниев, Темур Хонхўжаев, Вадим Куценколарга кучли профессионал теннисчиларга қарши ўйинда ўзларини синаб кўриш имкони берилди.

«Биринчи рақамли» теннисчимиз Олег Огородов биринчи босқичда саралаш босқичидан ўтган тўрт нафар теннисчилардан бирига қарши кортга чиқадиган бўлди. Қуръа иккинчи ҳамюртимиз Дмитрий Томошевичга турнирнинг еттинчи рақами теннисчиси испаниялик Карлос Мойяни қарама-қарши қўйди. Темур Хонхўжаев эса швед Магнус Густафсон билан, Темур Ғаниев америкалик Брайян Данн билан, энг ёш юртдошимиз Вадим Куценко ўтган йилги турнир қатнашчиси руминиялик Дину Пескариу билан ўйнайди. АТП таснифига назар ташлайдиган бўлсак, Томошевичнинг рақиби 129-поғонадан, Хонхўжаевнинг рақиби 127, Брайян Данн, 173, Дину Пескариу 198-поғонадан ўрин эгаллаган. Бошқача айтганда ҳамюртларимизнинг рақиблари рейтинг бўйича уч-ўн баравар улардан юқорида туради. Фақат Олеггина рейтинг бўйича ўзидан пастки ўринни эгаллаган теннисчига қарши кортга чиқади. Лекин бундан тушкунликка тушиш керак эмас. Чунки ўтган йилги турнирда Дмитрий Томашевич ўзидан деярли 700 поғона юқори ўринда турган италиялик Сангуинеттини мағлубиятга учратиб, мўъжиза кўрсатган эди.

Ўйлаймизки, бу йил ҳам теннисчиларимиз «Президент кубоги» халқаро турнирида муносиб ўйин кўрсатишади.

Шунингдек, турнирнинг иккинчи куни ҳукумат вакиллари, турли элчихоналар ходимлари ўртасида «Катта шляпа» турнири ўтказилди. Унда Республика теннис федерацияси бош котиби Самиғ Обидов ўз ракеткадоши билан ғолиб чиқди. Ғолибларга ва турнир қатнашчиларига теннис анжомлари ва кийимларидан иборат мажмуа, яъни сумка тақдим этилди. Шу куни профессионал теннисчилар Ран, Саволт, Гринда ва Села саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб асосий сетларга йўлланма олишди.

Кеча асосий сетга теннисчилар ўртасида беллашувлар бошланди.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мулоҳаза

АРЗОН ШЎРВА ДОИМ ҲАМ ТАТИЙВЕРМАЙДИ

Афсуски бугунги кунда бировимиз бетоб бўлиб қолсак, дори-дармонларсиз даволана олмаймиз. Халқ табобати қонун-қоидалари ва Ибн Сино рецептларининг баъзиларини аллақачон унутиб юборганмиз. Шунинг учун ҳам дунё фармацевтика саноатини ташкил этадиган, инсон саломатлиги учун 300 минг турдан ортиқ дори ишлаб чиқараётган, бир-бири билан рақобат қилаётган юзлаб фирма ва компаниялар ишлаб чиқараётган дори-дармонларни сотиб олишга, улардан дардимизга малҳам кутишга мажбурмиз.

Улар тайёрлаётган дори-дармонлар эса бир-биридан сифати, таъсири ваа нархи жиҳатидан фарқ қилиши турган гап. Баъзилари умуман даволаш кучига эга бўлмаслиги, баъзан эса акс таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Мутахассис бўлмай туриб, уларнинг сифатига баҳо беролмаймиз албатта.

Лекин бугунги дунё дори-дармон бозори тўлиб тошган даврда жаҳон фармацевтика саноати ишлаб чиққан энг сифатли, энг яхши дориларни танлаш, сотиб олиш имконияти бор.

Албатта бундай имкониятдан фойдаланишимиз керак.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси амалга ошираётган энг долзарб вазифалар ичида аёллар ва болаларни дори-дармонлар билан таъминлашга кўмаклашиш масаласи ҳам энг муҳим ўрин тутади. Албатта, бу ўткир муаммони ҳал этишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган аптекалар, дори-дармон ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчи чет эл фирмалари энг оғир юкни ўз зиммаларига олганлар. Жумладан, «Соғлом авлод учун», фонди ҳам бу ишга катта куч сарфлаяпти. У «Ўзмединфекис», «Абу Али Ибн Сино ва табобат» ҳиссадорлик жамияти, шунингдек Германиянинг «Гермед», «Шеринг», «Мерк», Даниянинг «Ново-Нордиск», Франциянинг «Инотек Итн» ва бошқа кўплаб чет эл фирмалари билан қалин ҳамкорлик қилмоқда. Дарвоқе, бундай ҳамкорлик энг ишончли ва энг обрўли, маҳсулоти жиддий тарғибот талаб қилмайдиган фирма ва компаниялар билан ўрнатилган. Фонд ходимлари чет элдан келтириладиган дори-дармон перепаратларини жиддий танловдан ҳам ўтказадилар.

«Соғлом авлод учун» фонди директорининг ўринбосари Ф.Ю.Ғарибнинг таъкидлашича четдан келтириладиган дори-дармонларнинг сифати доимо назоратда бўлиши зарур. Тажриба шуни кўрсатадики, учинчи дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳатто лицензияси бор перепаратлар бахтга қарши баъзан ҳар хил аралашмалардан иборат бўлиб қолаяпти. Сифати ниҳоятда паст. Тажрибали врач-педиатрларнинг фикрига кўра «Мерк», «Шеринг», «Ля рош», «Лили», «Берлин-Хеми», «Стерлинг Хелз», «Гермед», каби Европа фирмалари дориларигина ўз қимматига, сифатига эга. Бахтимизга бу фирмалар ишлаб чиқарган дори-дармонлар республикамиз дорихоналарида етарлича топилади. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» фондининг ҳамма ўттизта дорихонасида ҳам бу фирмаларнинг дорилари бор.

Уларнинг қадр-қиммати қай даражада? Асосийси — уларнинг фойдаси юқори, сифатли ва ишончли. Чунки улар юқори сифатли экологик тоза хом ашёдан, энг замонавий технология асосида, халқаро талаблар даражасида тайёрланган. Айниқса, немис фирмалари тайёрлаган маҳсулотлар ажралиб туради. Мутахассисларнинг таъкидлашича агар сифат сертификати Германиядан олинган бўлса бу маҳсулотлар албатта сифатли ва ҳамма талабларга тўла жавоб беради. Чунки у ерда маҳсулот сифати учун қаттиқ курашилади. Табиийки, бундай перепаратлар лицензия билан бошқа жойлардан келтириладиган дори-дармонларга қараганда бирмунча қиммат туради. Уларнинг таъсир кучи баландлиги, зарарсизлигини эътиборга олсак, бу баланд нархлар ўзини оқлайди. Зеро, дори-дармонлар иқтисод қилиш учун эмас, даволаниш учун, талабга қараб сотиб олинади.

Бир мисол: юрак сиқилиши касалига дучор бўлган беморлар Германиянинг «Коргард» перепарати билан даволанганда кунига бир дона таблетка истеъмол қилинади. Лицензияли дорилар ишлатилганда эса кунига икки-уч таблетка истеъмол қилиш зарурлиги аниқланган. Оғир юқумли касалликларни даволашда «Лили» (Германия-АҚШ) фирмаси антибиотиклари қўлланилганда даволаш муддати икки-уч марта қисқаради. Бу унинг учинчи дунё мамлакатлари ишлаб чиқарган перепаратларга қараганда икки-уч фоиз кучлилигини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам арзон ёки қиммат деган тушунчалар бир-бирига бевосита боғлиқ. Агар, мисол учун, дорини икки-уч марта кўп истеъмол қилиш керак бўлса, уни кўпроқ ишлаб чиқариш ҳам талаб этилади. Бундан кўринадики, унга кетадиган ҳаражат ҳам ортади. Бир сўз билан айтганда бу оддий арифметика.

Яна бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Учинчи дунё мамлакатларида лицензия асосида ишлаб чиқарилган кўплаб перепаратлар айнан ўзининг таъсир кучига эга эмас, сифат талабига ҳам жавоб бермайди. Бундан ташқари, бу дорилар истеъмол қилинганда баъзан инсон ҳаёти учун хавф туғдиради. Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги таксикология маркази ўз ҳукумати олдига учинчи дунё мамлакатларидан дори-дармонлар ташиб келишни тақиқлаш масаласини қўйганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон врачларининг кўпчилиги ҳам айнан шу фикрда.

Оддий бир ҳолат — ота-она ўз фарзандининг соғлиғини тиклаш учун учинчи дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилган ампициллин ёки бисептол перепаратини сотиб олди дейлик. Бу дориларнинг фойда бериш кучи Европада ишлаб чиқарилган ана шундай дорилардан икки ёки уч марта паст. Шунинг учун ҳам оддий шамоллаш касаллигини учинчи дунё мамлакатларидан сотиб олинган ампициллин билан даволаганда икки-уч ҳисса кўп перепарат ишлатилади. Дорини бундай кўп истеъмол қилиш, албатта киши организми учун зарарли. Германиянинг ампициллини билан даволаганда бир флакон суспензия етарли бўлади. Бундан кўринадики, ота-она «арзон» перепарат учун «қиммат» Европа перепаратига қараганда кўпроқ пул харжлайди. Чунки улар ўша перепаратдан икки-уч ҳисса кўп харид қиладилар.

Айтиш мумкинки, Ғарб фармацевтика саноати тутган йўл икки томонлама муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун «Соғлом авлод учун» фондининг ҳар бир дорихонасида мавжуд бўлган «Силкафликс» лейкопластирини олайлик. У экологик тоза бўлиши билан бирга ҳеч қандай аллергия қўзғатмайди, терини тирилтириш ҳусусиятига яъни махсус бактерицидга эга. Унинг бу ҳусусиятларини ҳисобга олсак тўлаган пулимизга ачинмаслигимиз турган гап. Донишманд халқимизда бир нақл бор. «Мен бой эмасманки, арзон нарсалар сотиб олсам». Иккинчи варианти «Арзон шўрва татимас». Бу нақлда ҳикмат кўп. Айниқса гап саломатлик тўғрисида бораётганда унинг ҳикмати янада ортади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан «Тошкент универмаги» ҳиссадорлик жамоаси Италия, Америка, Олмония, Чехия, Туркия, Финляндия, Франция ва МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқарилган кенг турдаги саноат молларининг савдо кўргазмасини ташкил этади.

Истиқлол байрамингиз қутлуғ бўлсин!
Савдо кўргазмамизга марҳамат!

Манзилимиз: Ўзбекистон шоҳкўчаси, 17-уй.
Тел.: 33-62-88.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Келажак» (Future) халқаро бизнес мактаби ўрта ва кичик бизнес соҳасида (инглиз тилида) мутахассислар таёрлаш учун ЎҚИШГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 1 йил.

Мактабнинг барча талабаларига хорижий мамлакатлар университетларида билим олиш учун ва чет эл ўқиш дастурларида қатнашиш учун шароит яратилади.

Мактабга қуйидагилар қабул қилинади:

— олий ўқув юртларининг талабалари;

— ўрта мактабни битирган қишлоқ ёшлари;

— 30 ёшгача бўлган ёшлар.

Қабул тестлари 1995 й 5 сентябргача ҳар куни соат 9.00 бошланади.

Бизнес дастури менеджментнинг барча сохасини ўз ичига олади:

— бизнес асослари ва стратегияси
— бухгалтерия ҳисоби
— маркетинг
— менеджмент
— молияни бошқариш
— банк иши асослари
— бизнес режаси ва бошқалар

Бизнинг Манзил: Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон кўчаси, 49 уй, 11 қават (Халқлар Дўстлиги ёки Ўзбекистон метроси бекати). Тел.: 45-46-63.

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!
Ўзбекистон бозорларида бундай сифатли моллари ҳозирча топиш қийин

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси,
Толарик кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-10 - қабулхона зали,
98-47-92 - савдо зали,
98-47-95 - кўргазма зали.

АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гилами, поёндози, калкуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

«Ипак йўли» ўзбек инновация-тижорат банки акциядорлари ДИҚҚАТИГА

Банкнинг эски намунадаги акцияларини қайтариб олиш 1995 йил 31 августгача давом этади. Шу муддатгача топширилмаган эски намунадаги акциялар янги акциялар чиқарилганидан сўнг алмаштирилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти жамоаси «Ирригация» маркази проректори, профессор Муҳаммадхон Ҳамидовга оталари **Ҳамид ПОЛСАИДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг республика радиоси жамоаси диктор Л. Зокировага онаси **Тамара КАРИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"ИНФОРМ—ПРОСПЕКТ" - Сизга омад калити!

Тошкент омборхонасидан арзон нархларда пул ўтказиш йўли билан
компьютерлар, принтерлар, узлуксиз электр билан таъминлаш анжомлари, харж маҳсулотлари, компьютер программаси ва тармоқ таъминотини
таклиф этади

Мурожаат учун телефон: (3712) 45-44-38.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

· МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Б. Остонақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0351. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 00.30.

1 2 3 4 5 6